

**Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг
2026 йил I ярим йилликдаги фаолияти тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ–25-сон Фармони ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан 2026 йилнинг январь–май ойлари давомида стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация, сифат менежменти тизимлари ва давлат назорати йўналишларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш, миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилди.

Стандартлаштириш соҳасида

Ҳисобот даврида миллий стандартлаштириш тизимини халқаро амалиётга мувофиқ ривожлантириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди. Миллий стандартларни халқаро ва минтақавий стандартлар билан уйғунлаштириш ишлари натижасида стандартлар фондидаги миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш даражаси 46 фоизга етказилди.

Тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчилар ва бошқа манфаатдор ташкилотларни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида 1 756 та стандарт тақдим этилди. Бу эса маҳсулот ва хизматлар сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг мурожаатлари асосида транспорт воситалари учун 8 та идентификация VIN (WMI) кодлари ажратилди. Шунингдек, давлат реестрига киритиш учун 683 та буюртма қабул қилиниб, маҳсулотларга 5 062 та штрих-код макетлари тайёрланди.

Стандартлаштириш соҳасида инсон ресурсларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 1 482 нафар мутахассиснинг малакаси оширилди, 700 нафар мутахассис стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳалари бўйича аттестациядан ўтказилди.

91 та ташкилот билан шартнома асосида меъёрий ҳужжатларни аниқлаш ва долзарблаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 531 та стандарт

лойихаси экспертизадан ўтказилди ҳамда миллий ахборот тизимининг стандартлар фонди модулига 720 та стандарт жойлаштирилди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг қўламли ахборот-тушунтириш ишлари ташкил этилди. Ҳисобот даврида жами 101 та ахборот чиқиши амалга оширилди.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида

Мувофиқликни баҳолаш инфратузилмасини ривожлантириш, синов лабораторияларининг техник имкониятларини кенгайтириш ва халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, лабораторияларнинг техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 111 та ўлчаш, синов ва ёрдамчи воситалар харид қилинди.

Ҳисобот даврида 92 323 та синов баённомаси расмийлаштирилди. Ўтказилган синовлар натижасида 115 та маҳсулотда белгиланган техник талабларга номувофиқликлар аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилди.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари томонидан жами 12 765 та мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди. Бу маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш ва уларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда эркин муомалада бўлишини таъминлашга хизмат қилди.

Экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 926 та корхонага 1 280 та амалий ва консултатив хизматлар кўрсатилди. Корхоналарга халқаро стандартлар, техник регламентлар ва ташқи бозорлар талаблари бўйича зарур маълумотлар тақдим этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида маҳаллий маҳсулотларнинг Колумбия, Германия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинишига кўмаклашилди.

Шунингдек, экспортёр корхоналарга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда Европа Иттифоқи бозори учун зарур бўлган СЕ маркировкаси талабларини жорий этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Сифат менежменти тизимлари соҳасида

Корхоналарда халқаро сифат менежменти тизимларини жорий этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилди.

Ҳисобот даврида 576 та корхонада халқаро менежмент тизимлари жорий қилинишига кўмаклашилди ва тегишли мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан эса 742 та мувофиқлик сертификатлари берилди.

Мазкур ишлар маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ташқи бозорларда миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Метрология соҳасида

Метрология соҳасини ривожлантириш, ўлчашларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда миллий эталон базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида миллий эталонлар сони 42 тага етказилди. Лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида янги намунавий ўлчаш воситалари харид қилинди.

Соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML) ҳужжатлари асосида миллий стандартларни қабул қилиш ва ўлчашларнинг ягона бирлигини таъминлашга қаратилган стандартларни ишлаб чиқиш ишлари давом эттирилди.

Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси (BIPM) базасида Ўзбекистон Республикасининг калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари бўйича ёзувлари кенгайтирилиб, уларнинг сони 20 тага етказилди.

Германия, Чехия ва Корея Республикасининг ихтисослашган ташкилотлари билан ҳамкорликда замонавий лабораторияларни ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳисобот даврида институтнинг 46 нафар мутахассиси хорижий етакчи метрология муассасаларида малака ошириш курслари ва семинарларда иштирок этди.

Давлат назорати соҳасида

Бозорда маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда техник регламентлар ва стандартлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 7 954 та тадбиркорлик субъектига огоҳлантириш хатлари ва тушунтириш материаллари юборилди.

Назорат харидлари доирасида чакана савдо объектларидан 163 та маҳсулот намунаси харид қилиниб, аккредитацияланган лабораторияларда синовдан ўтказилди. Синовлар натижасида 61 та маҳсулот белгиланган талабларга номувофиқ деб топилди.

Шунингдек, мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилишининг қонунийлиги юзасидан таҳлил ва мониторинг ишлари амалга оширилди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли таъсир чоралари кўрилди ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Лабораторияларнинг техник жиҳатдан малакалилигини баҳолаш ишлари ҳам изчил давом эттирилди. Ўрганишлар натижасида белгиланган талабларга жавоб берувчи корхона ва ташкилотларга тегишли рухсатномалар расмийлаштирилди.

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилди.